

Нефт маҳсулотларини нефт база худудидан

Етказиб бериш ҳақида ШАРТНОМА № 33/99

Тошкентвилояти
Қибрай т-н
ҚизилШалола к.

«20» 01 2022 йил

«Наймасой» сардорига «Ўзбекистон» ОШ (кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилади.) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Ҳасанов Т.М бир тарафдан ва «Чинобод нефт базаси» Масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади) директор Муржанов С.Т. тимсолида, Низом асосида фаолият кўрсатувчи ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га нефт маҳсулотларини «Таъминотчи» нинг ресурс имкониятлари ва «Истеъмолчи»нинг талабномада курсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган, спецификацияга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

1.2. «Истеъмолчи» нефт маҳсулотлари учун «Таъминотчи» нинг ҳисоб рақамига олдиндан 100 фоиз тўловни амалга оширади.

1.3. Шартноманинг умумий суммаси 22475000 сўм ташкил этади шу жумладан ҚҚС билан Бюджет маблағлари ҳисобидан _____ бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан _____ (кераклигини тагига чизилсин). Етказиб берилган нефт маҳсулотлари учун тўлов, шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган спецификацияларга асосан амалга оширилади.

Етказиб берилиши кўзда тутилган нефт маҳсулотларининг турлари, уларнинг миқдори, сифати ва нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада (спецификацияда) кўрсатилади.

Шартнома суммаси нефт маҳсулотларини «Таъминотчи» таъмонидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефт маҳсулотини ташиш билан боғлиқ темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефт маҳсулотлари таъминоти корхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ва бу ҳақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га «Таъминотчи»нинг махсус автотранспортда белгиланган тартибда етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек «Истеъмолчи» томонидан барча ёнги ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин.

2.2. Нефт маҳсулотлари омборига нефт маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари нефт база омбори худудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг куйилишига руҳсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўшқетиши учун «Таъминотчи» жавобгар бўлмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари куйилган автоцистерналар «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Таъминотчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда таъминланади.

2.4. Нефт маҳсулотларини етказиб бериш мазкур шартномад аёки шартнома асосида берилган буютма номада кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда, мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида,